

**ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИНИНГ АХЛОҚИЙ ҚИЁФАСИ****Шоназаров Жамшид**

Шахрисабз давлат педагогика институти доценти, фалсафа фанлари номзоди

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7348277>

**Аннотация.** Ушбу мақолада давлат ва жамият бошқарувининг энг муҳим қатлами бўлган давлат хизматчиларининг бошқарув фаолиятлари билан боғлиқ бўлган маънавий ахлоқий мезонлари ўрганилган.

**Калим сўзлар:** ахлоқ, маънавият, давлат хизматчиси, давлат, давлат бошқаруви, бошқарув маънавияти, раҳбар ахлоқи ва маънавияти, миллий кадрлар сиёсати, маънавий-ахлоқий мезонлар, жамият ахлоқий тартиб, ахлоқий тамойиллар.

**ЭТИЧЕСКИЙ ОБРАЗ ГОСУДАРСТВЕННОГО СЛУЖАЩЕГО**

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются морально-этические критерии, связанные с управленческой деятельностью государственных служащих, которые являются важнейшим слоем государственного и государственного управления.

**Ключевые слова:** этика, духовность, государственный служащий, государство, государственное управление, духовность управления, этика и духовность руководства, национальная кадровая политика, нравственно-этические критерии, нравственный порядок общества, нравственные принципы.

**ETHICAL IMAGE OF A PUBLIC SERVANT**

**Abstract.** This article examines the moral and ethical criteria associated with the management activities of civil servants, who are the most important layer of public and public administration.

**Keywords:** ethics, spirituality, civil servant, state, public administration, management spirituality, leadership ethics and spirituality, national personnel policy, moral and ethical criteria, moral order of society, moral principles.

Ўзбекистон ўз тараққиёти ривожда жамиятнинг бир сифат босқичидан иккинчи бир янги сифат босқичига ўтиш даврида иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий тараққиёт, маданият ва маънавий янгиланишининг улкан ва мураккаб жараёнларини босиб ўтмоқда. Мамлакатимизда фуқаролик жамияти куриш асослари мустақамланиб боргани сари ижтимоий адолат, ҳуқуқий тенглик, инсонпарварлик тамойилларига бўлган эҳтиёж ҳам ортиб бормоқда.. Бу инсонларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари, адолатли, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш тўғрисидаги орзу-умидларини руёбга чиқариш билан боғлиқ бўлган заруратни ифода қилади. Ушбу зарурат ва вазифалар негизида давлат бошқарувини демократлаштириш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишининг ҳозирги янгиланаётган босқичида давлат хизматчиларининг маънавий ва ахлоқий қиёфасини замон талабларига мослаштириб боришга бўлган талаблар ҳам тобора ортиб бораётганлигидан далолат бермоқда. Ушбу мураккаб давр синовлари, сабоқлар ва тажрибалар билан боғлиқ ислохотлар мамлакатимиз учун жаҳон ҳамжамиятида ичида кенг имкониятлар эшигини очиб бермоқда. Бу имкониятлар замонавий ва рақобатбардош кадрлар салоҳияти, уларнинг маънавий-ахлоқий фазилатларини ўстиришни амалда таъминлашга қаратилмоқда. Мамлакатимиз Президенти Ш. Мирзиёев "...бугун биз яшаётган жамиятда янги фикр, янги ғоя, энг муҳими, ислохотларни амалга оширишга қодир бўлган янги авлод кадрлари керак.", деб таъкидлаганлари юртимизда амалга

оширилаётган ва жамиятнинг ҳар бир қатламига кириб бораётган кенг миқёсли ўзгаришларнинг мақсадли самарадорлигини таъминлашда, мамлакат тарққиётида ҳал қилувчи аҳамият касб этувчи давлат хизматчиларининг маънавий-ахлоқий қиёфасини яратиш, уларнинг дунёқараши, маънавияти, иқтидори ва салоҳиятини янада юксалтириш билан боғлиқ бўлган муаммолар ечимини ўрганишга қаратилган вазифалар кўламини очиқ беришни тақозо қилади.

Бугунги кунда миллий бошқарувимиз негизида маънавий-маданий меросимиз асосида давлат хизматчиси бошқарув фаолиятининг маънавий-ахлоқий асосларини ўрганиш, унинг ижтимоий-ахлоқий аҳамиятини таҳлил этиш ва уни бевосита миллат тафакқурига сингдиришга алоҳида эътибор берилди. Маълумки, давлат бошқарувида бошқарувнинг ахлоқий асосларини таъминлаш, адолат ва ахлоқ мезонларига таянган – янги давлат, янги жамият қуриш ва фалсафий жиҳатдан эркинлик, эзгулик, адолат мезонларига дахлдор бўлган қарашлар қадимдан Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари асарларида ривожлантирилиб келинган. Бу соҳада амалга оширилган илмий тадқиқотлар ва чоп этилган адабиётларни шартли равишда уч гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин. **Биринчи гуруҳ** – ривожланган хорижий мамлакатларда тадқиқот олиб борган олимларнинг илмий тадқиқотлари натижалари ҳисобланади. Уларга Филипп Ардан, Гаджиев, Г.Женевьев, С.Паркинсон, М.К.Рустомжи, Й.Хенце, Й.Метцнер, О.Сусуму, Р.Инглхарт, П.Де Брюйн каби олимлар асарларини келтириш мумкин.

Шунингдек, **иккинчи гуруҳга** мансуб бўлган МДХ олимлари В.А.Красильщиков, М.М.Федорова, Я.М.Бергер, Г.Л.Купряшин, М.В.Братерский, С.А.Ланцов, М.Гвоздева, Е.Васильева ва бошқалар салмоқли ҳисса қўшиб келмоқдалар. Уларнинг илмий тадқиқотлари, мақолаларида давлат ва жамият бошқаруви масалаларида давлат хизматчиларининг маънавий ахлоқий имижини яратиш ва ижтимоий мавқеини таъминлаш муаммолари:

**биринчидан**, ижтимоий-фалсафий концептуал-назарий ғоя;

**иккинчидан**, ижтимоий-ахлоқий жиҳатдан тасдиқланган инсон ҳуқуқи ва бошқарув фаолиятни кенгайтиришга қаратилган назарий йўналиш;

**учинчидан**, “раҳбар маънавияти”, “раҳбар имижини”, “раҳбар ахлоқи”, “давлат хизматчиси”, “шахс ва жамият” тушунчаларини рационал идрок этиш орқали комилликка йўналтириш;

**тўртинчидан**, демократик кадрларга умуминсоний моҳият бериш асосида кишилиқ жамиятидан зўравонлик, адолатсизлик, тенгсизлик иллатларини бартараф этиш каби илмий-назарий асосларни шакллантиришга қаратилганлиги билан муҳим аҳамият касб этади. Сўнги йилларда давлат ва жамият бошқарувини демократлаштириш, мустақиллик ғояси ва мафқураси билан фикр юритадиган давлат хизматчиларининг янги авлодини шакллантиришга қаратилган бир қанча докторлик ва номзодлик диссертация ишлари ҳимоя қилинган. Аммо, бу илмий ишларда давлат ва жамият бошқарувида давлат хизматчиларининг бошқарув фаолиятида маънавий ахлоқий қиёфасини яратиш ва тадқиқ этиш билан боғлиқ муаммолар илмий ечимини топишган эмас. Мавжуд муаммолар ушбу мавзунини танлашда тегишли назарий ва амалий хулосалар чиқаришга асос бўлиб хизмат қилади. Давлат ва жамият бошқарувини демократлаштириш ва юксак ахлоқий маданиятга, интеллектуал салоҳиятга эга бўлган давлат хизматчиларининг янги авлодини шакллантиришга нисбатан янги муносабат, айниқса, мустақилликдан кейин ривожлана

бошлади. Бу нарса республикамиз олимларидан – А.Бегматов, М.Қуръонов, И.Эргашев, Т.Жўраев, А.Холбеков, Д.Рахимова, М.Бекмуродов, Б.Мирбобоев, А.Рахманов, О.Хусанов, Қ.Қуръонбоев, Ф.Равшанов, Т.Алимарданов, Ж.Қ.Назаров, И.Эргашев, И.Соифназаров, А.Қодиров, Ф.Мусаев, каби олимларимиз томонидан Ўзбекистонда замонавий давлат хизматчиларини тайёрлаш, уларнинг бошқарув фаолиятида маънавий-ахлоқий қиёфасини шакллантиришга доир қатор илмий монографиялар, мақолалар ва публицистик асарлар яратилди. Биз ушбу олимлар томонидан олиб борилган изланишлар ва яратилган асарларни мазкур тадқиқотимизга доир олиб борилган изланишларнинг **учинчи гуруҳига** киритишимиз мумкин бўлади. Уларнинг тадқиқотларида:

**биринчидан**, муаммони моҳиятига кириб бориш, чуқур илмий-назарий ўрганишга интилиш;

**иккинчидан**, муаммонинг миллий ва умуминсоний қирраларини топиш, уларни миллат яратган қадриятлар билан уйғунлаштириш;

**учинчидан**, мамлакатимиздаги ижтимоий воқеяликни назардан қочирмаган ҳолда ўз вақтида таҳлил қилиш устун туради. Аммо, уларда мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат асосларини мустаҳкамлаш жараёнида замонавий давлат хизматчиларининг муносиб авлодини шакллантиришга доир муаммолар таҳлили фарқли йўналишларда тадқиқ этилади. Шу жиҳатдан ҳам улар тадқиқотларида гоҳо баҳсли, ҳатто зиддиятли жиҳатлар ҳам мавжуд. Бу табиий ҳолдир. Чунки, давлат ва жамият бошқарувини демократлаштириш, бошқарув жараёнларида давлат хизматчиларининг фаолият даражалари маълум бир жараёнда ёки даврда ўзига нисбатан янги таҳлилларга эҳтиёж сезади. Шу мазмунда тадқиқотимизда ушбу феноменларнинг кўпроқ умумийликдан кўра индивидуал ҳолатларини, айнан таҳлилга монанд томонларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилинди.

Инсоният узлуксиз равишда жавоб қидириб келаётган бошқарув ахлоқи асосларини шакллантириш ва ривожлантириш масалалари энг қадимий ва шунинг билан биргаликда энг новқирон муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади. Бугунги дунёнинг замонавий муаммоларини ҳал қилишга интилиш, техникага боғлиқ замонавий фанлар билан бир қаторда, асрлар давомида алоҳида аҳамият берилмаган, лекин қадимий илмларга эга бўлган бир қатор соҳаларга ва айрим шаклланиб улгурган фанларга кучли диққат-эътибор қаратиш лозим эканлигини ошкор қилиб қўйди. Айни пайтда узоқ вақтлардан буён чорасиз қолаётган кўпгина ижтимоий қусурларга ёки қолоқликларга барҳам бериш раҳбаршунослик ва унинг таркибий қисми бўлган раҳбар ахлоқи масалаларини илмий ва амалий жиҳатдан чуқур ўрганиш ва фан нуқтаи назаридан тадқиқ этиш зарурлигини талаб этмоқда. Зеро, давлатчилик тарихи кўрсатадики, кишилик жамиятининг истиқболи халқнинг етакчилари олдига ҳамisha улуғвор вазифаларни қўйган, унинг ечимини топиш, халқ ва унинг давлатини, шаънини ҳимоя қилиш, жамият барқарорлиги ва ривожини таъминлаш миллатнинг салоҳиятли бошқарувчи фарзандлари ватанпарварлигига, уларнинг маҳорати ва шижоатига, буларнинг барчасини қамраб олувчи ахлоқий намунасига боғлиқ бўлган.

Ўз моҳият-мазмунига кўра бу масала бугунда аҳамиятини йўқотган эмас. Аксинча, раҳбар шахснинг давлат ва жамият ривожигаги ўрни ва роли, зиммасидаги вазифа ва масъулият кулами давлат хизматидаги бошқарув лавозимлари қисқаргани сари янада кенгаймоқда. Бу эса шундай шароитда раҳбар шахсларнинг ахлоқ тамойилларини давр

талабларига мувофиқлаштириш, миллий ва умуминсоний кадрятлар асосида такомиллаштириш масалаларини янада долзарблаштирмоқда.

Раҳбар фаолиятининг ижтимоий функцияси фуқаролар олдида жавобгар ва масъул шахс мақомини юклайди. Мазкур мақомнинг ҳуқуқий асоси жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг мафаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар» деб, белгиланган. Мазкур вазифаларни бажармаслик, нафақат ҳуқуқий балки ахлоқ масаласи доирасига киради. Лекин, муаммонинг долзарлиги шундаки, раҳбар фаолиятининг самара ва натижаларини назорат қилувчи ҳуқуқий меъёрлар белгиланган бўлсада, уларнинг ахлоққа муносабати норматив талаблар қаторига киритилмаган. Яъни амалга оширилган ишлар самараси эришилган натижаларнинг моддий ва маънавий даражаларига кўра баҳолансада маънавий ва ахлоқий жиҳатларига кўра баҳоланмайди. Масалан, тадбиркор раҳбарнинг қўполлиги ёки зўғум ва зўравонликка мойил бўлиши, билимли раҳбарнинг адолатсиз, таъмагир бўлиши, мулоим раҳбарнинг кузбўямачи-айёр ва ваъдабоз бўлиши, сўзамол, хўшбичим, серғайрат, уздабўрон раҳбарнинг лўттибоз, хиёнатчи бўлиши каби салбий иллатларни қандай қилиб ҳуқуқий меъёрлар асосида жавобгарликка тортиш мумкин? Ёки шундай салбий сифатларга эга шахсларни аниқлаш, раҳбарлик вазифаларидан четлаштириш, аксинча, етакчилик салоҳиятига эга, фидойи раҳбарларни танлаш, уларни раҳбарлик вазифаларига тавсия қилиш, турли бўҳтону-маломатлардан ҳимоя қилишнинг қандай ҳуқуқий-ахлоқий мезонлари бор? Демак, раҳбар ўз вазифасини нафақат ижро этиши балки, уни қандай ижро қилиши ҳам муҳим масала. Раҳбаршунослик фанларида ана шундай муаммолар борки, уларнинг илмий-амалий ечимини топиш ва амалга татбиқ этиш бугун ўта муҳим масалалардан ҳисобланади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасида бундай муаммолар илмий жиҳатдан ўз таълимотларига ва амалий ифодасига эга. Умуман эса, бугун бу муаммолар фан учун янгилик эмас. Бугунги замондош айрим давлатларда ўз ривожланиш истиқболлари ва миллий-маънавий хусусиятларидан келиб чиқиб, мазкур масалаларнинг ечимларини шакллантириш, унга амал қилиш тартибларини ишлаб чиқиш устида ишлар олиб борилган. Масалан, АҚШда 1978 йилда “Ҳукумат этикаси ҳақида” қонун қабул қилинган бўлса, 1989 йилга келиб эса “Одоб-ахлоқ меъёрларини ислоҳ қилиш ҳақида”ги қонун кучга кирган. 1990 йилнинг октябрида 1989 йилдаги қонун АҚШ Президентининг “Мансабдор шахслар ва давлат аппарати хизматчиларининг хулқ-атвори этикаси тамойиллари” фармони билан мустаҳкамланган. Шунингдек, АҚШда раҳбар кадрларни ислоҳ қилиш жараёнида “1978 йилги ҳукумат этикаси” бўйича кўмита ташкил этилган. Францияда эса 1991 йилдан бошлаб раҳбар кадрлар одоб-ахлоқи қоидаларига амал қилишга доир қонунларга доимий равишда амал қилиб келинмоқда. Буюк Британия парламентининг Жамоалар палатасида ахлоқ андозалари бўйича махсус парламент хайъати тузилган. Бундай мисолларни ривожланган давлатлар тажрибасидан кўплаб келтириш мумкин.

Кўриб турганимиздек, раҳбар фаолияти ижтимоий-ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий тизимларини ташкил этишдан ташқари бевосита ахлоқий муносабатлар билан боғлиқ жараёнларни ўз ичига олади. У нафақат раҳбарни, балки, жамият фуқароларини ҳам ахлоқий нормалар асосида бирлаштириш, ягона мақсад сари сафарбар эта олишга қаратилади. Шунинг учун ҳам асрлар силсиласида ватанга хизмат қилиш, адолатлилик,

фидойилик, инсонпарварлик каби ахлоқий фазилатлар раҳбар фаолиятининг етакчи мезоларидан бўлиб, у давлатчиликни мустаҳкамлаш, унинг ривожланишини таъминлаш омили сифатида хизмат қилган. Жамият тафаккурининг шаклланиши, инсон қалбидаги адолат, тинчлик, озодлик, поклик каби кўплаб туйғуларнинг умумхалқ туйғуларига, маданиятига айланишига катта таъсир кўрсатган.

Давлат хизматидаги раҳбарларнинг ҳокимиятни бошқариш ва бунда ахлоқий ҳатти-харакатлари билан наъмуна бўлиш талаби қадимий давлатчилик маданиятимиз билан бевосита боғлиқ кадриятларимиздан бири ҳисобланади. Зеро, раҳбарнинг халқпарвар ва адолатпарвар бўлиши давлатнинг истикболи ва ривожини белгилаб келган. Бу борада бобомиз Муҳаммад Қози шундай дейди: - « У (раҳбар) шуни билсинки, амирлик мансаби ва ҳукумат бир восита бўлиб, бу восита орқали абадий саодат ва эзгу ном қўлга киритилади. Даврон подшоҳлари ва ҳокимларининг аксари фоний дунёнинг бевафо давлатига мағрур бўлиб, нафслари учун ўз динини вайрон қиладилар ва беномусликлари туфайли иймонни шамолга учирадилар». Дарҳақиқат, ҳокимиятнинг обрўйи, нуфузи уни бошқарётган шахслар ахлоқи билан боғлиқ эканлиги туғрисидаги қарашлар қадимий кадриятларимиздан ҳисобланади. Давлат хизматчисининг ахлоқий қиёфаси, бошқарувни ахлоқий кадриятлар асосида ташкил этишни такомиллаштиришда бундай ўлмас меросимиз замонавий давлатчилигимизда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Аммо, раҳбарнинг фуқароларга, фуқароларнинг давлатга бўлган ўзаро ишончи ва ҳамкорлик муносабатларини ташкил этиш, қолаверса, ҳокимиятнинг ички муносабатларни соғлом ахлоқий қоидалар асосида қуришда айрим зиддиятли қарашлар ҳам мавжуд. Бундай зиддиятлар раҳбарнинг ўз вазифаси доирасида адолат ва қонун тамойилларига амал қилишида, ижтимоий фаолиятига, шахсий фазилатларига боғлиқ муносабатларда намоён бўлади. Зеро, ҳокимият доимо сиёсий ва молиявий эркинлик манбаи бўлганлиги учун унинг “хушторлари” кўп бўлади. Бундай имконият ва воситаларга эгалик қилиш, уни ўз манфаати йўлида фойдаланиш истаги сақланиб келмоқда. Бу биринчи сабаб. Раҳбарнинг ахлоқий кадриятларга амал қилиш борасидаги зиддиятининг иккинчи сабаби, у яшаётган ижтимоий-маънавий, сиёсий-иқтисодий ва ҳуқуқий муҳит. Агар ишлаб чиқариш муносабатлари замонавий технологиялар асосига қурилмаган бўлса, иқтисодий тақсимот мезонларига амал қилинмаса, ҳуқуқий муносабатлар шаклланмаган бўлса бу бошқарув маънавиятининг саёзлигини ифодалайди. Маънавий саёзлик ҳолатида эса раҳбар фаолиятига ахлоқий талаб ва кадриятларни татбиқ этиб бўлмайди. Бундай шароитда бошқарувчи ва бошқарилувчилар ўртасидаги илғор ўзаро маданий-ахлоқий муносабатлар тартиби ишламайди. Оқибатда, халқда ҳам, бошқарув тизими раҳбар ва ходимларида ҳам фаровонликка эришиш мақсадида тарафкашлик, талончилик, таъмагирлик, порахўрлик орқали манфаатларини қандай бўлсада қондириш кайфияти ҳукмронлик қилади. Бундай ҳолатни тартибга солишдан кўра, айрим раҳбарлар учун мураса йўлини танлаш осон кечади. Шунинг учун, ҳокимиятга ва унинг лавозимларига эгалик қилиш ёхуд унга интилиш хуфиёна йўллар орқали эришиш иштиёқи ортади. Бу эса, ўз ўрнида носоғлом кучларнинг ҳокимият ёки раҳбарлик лавозимларига келишига – ахлоқсиз муҳитнинг қарор топишига олиб келади.

## REFERENCES

1. Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва муррабийлар кунига бағишланган тантанали маросимда “Ўқитувчи ва мураббийлар – янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суянчимиздир” мавзусида сўзлаган нутқи. 2020 йил. 30 сентябрь.
2. Машарипов И.Б. Маънавий омилларнинг раҳбар кадрлар касбий маданиятини шакллантиришдаги ўрни. Сиёсий фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент – 2009, -Б.17.
3. Муҳаммад Қози. Хукмдорга ўғитлар. -Т.: Шарк, 1999. Б-26.
4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тош. «Янги аср авлоди», 2008, Б.4
5. Женевиёв Г. Организация административной власти Франции. – Москва, 1994.
6. Ардан Филипп. Франция: государственная система. – Москва, 1994. – 261 с.
7. Хентце Й., Метцнер Й. Теория управления кадрами в рыночной экономике. – Москва: “Международные отношения”, 1998. – 210 с.
8. Обара Сусуму. О системе прохождения службы в государственных и общественных учреждениях Японии (Система назначения на должности: с момента принятия на службу и до ухода в отставку. Материалы лекции в АГОС при Президенте РУз. Сентябрь, 1999. – 142 с.
9. Паркинсон С.Н., Рустомджи К. Искусство управления. – Москва, Форм-пресс, 2001. – 272 с.
10. Инглхарт Р. Пост модерн: меняющиеся ценности и изменяющиеся общества // Полис. – 1997. – №4. – 7-29 с.
11. Брюйн П.Де. Управление по результатам в государственном секторе. – Москва: ИКСИ, 2005. – 192 с.
12. Красильщиков В.А. Модернизация и Россия на пороге XXI века // Вопросы философии. 1993. № 7. – 144 с.
13. Федорова М.М. Традиционализм как антимодернизм // Полис. 1996. №2. – 144 с.
14. Бергер Я.М. Модернизация и традиция в современном Китае. // Полис. 1995. №5. – 60 с.
15. Купряшин Г.Л. Политическая модернизация. – Москва: Общество «Знание» РСФСР, 1991. – 9 с.
16. Братерский М.В. Теория модернизации: обзор американских концепций // США: экономика, политика, идеология. 1990. №9. – 26-29 с.
17. Ланцов С.А. Российский исторический опыт в свете концепций политической модернизации. // Полис. 2001. №3. – 93 с.
18. Манзаров, Юсуф Хуррамович, and Нигора Рuzимуратовна Очилова. "Как воздействовать на своё отношение к человеку." *Academy* 11 (50) (2019): 18-20.
19. Н. Очилова, М. Мамасалиев, А.Астанов. Внимание воспитанию гармонично развитого молодого поколения.- *International Independent Scientific Journal*, 2020. №14-2, 18-20
20. Н. Очилова. Значение духовного воспитания молодёжи с интеллектуальным потенциалом. *Scientific progress*, Том 1, №5, 2021, 251-254
21. Н. Очилова. ММ Мамасалиев Характеристики восточной и западной цивилизации в процессе глобализации. *Проблемы науки*, 2021. № 3 (62), стр 43-46

22. Н.Р. Очилова, Ю.Х. Манзаров. Эстетическое воспитание-основа развития интеллекта. Материалы конференции. 30 лет Конвенции о правах ребенка: современные вызовы и пути решения проблем в сфере защиты прав детей ..., 2020, стр, 389-394
23. Н.Р. Очилова, М.М. Мамасалиев. Структура образа жизни молодежи Узбекистана на современном этапе развития. Журнал. - Молодой ученый, 2016, №5 стр 587-588